


## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 11008,9 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 151,7 фоизни ташкил қилди.

### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган**

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>11008,9</b>	<b>151,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>951,7</b>	<b>99,1</b>	<b>8,6</b>
бюджет маблағлари	97,3	114,6	0,9
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	19,8	203,3	0,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	206,6	94,9	1,8
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	189,6	-	1,7
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	438,4	67,7	4,0
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>10057,2</b>	<b>159,8</b>	<b>91,4</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1281,6	65,9	11,6
аҳоли маблағлари	639,9	95,1	5,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	7806,9	235,8	70,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	317,2	102,9	3,0
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	11,6	82,4	0,1

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари  
(январь-декабрь)**




### 2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

млрд. сўм

	Жами	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами</b>	<b>11008,9</b>	<b>802,5</b>	<b>10206,4</b>	
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида				
қурилиш-монтаж ишлари	77,8	85,1	77,3	
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	5,6	12,6	4,9	
Бошқа харажатлар	16,6	2,3	17,8	

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2016 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 2,1фоизга ошган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 2,6фоизга камайган, бошқа харажатлар 0,5 фоизга ошган.

**Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий  
фаолият турлари бўйича(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**  
(январь-декабрь)



### Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 827,5 млрд.сўм ёки 61,7 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 825,8 минг кв.м. бўлган 5906 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 101,1 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 667,6 минг кв.м.(ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умуттаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 33,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 46,4 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 79,6 км. узунликдаги ичимлик суви, 11,5 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 101,1 ва 62,8 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 72,2 км. ёки 94,7 фоизи ва газ тармоқларининг 10,5 км. ёки 57,4 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 14,1 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,5 млрд. сўм (3,3 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.


**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-декабрда 2423,2 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,4 фоизни ташкил этди.

Курилиш ишлари умумий хажмининг 59,5 фоизи янги курилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 40,5 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига түғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2277,1 млрд. сўмлик курилиш ишлари амалга оширилиб, курилиш ишларининг умумий хажмида 94,0 фоизни (2016 йил январь-декабрга нисбатан 0,6 фоизга камайди) ташкил қилди.

### **Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари